**Акциядорлик жамияти “Semurg Insurance” акциядорларининг навбатдаги такрорий йиллик умумий йиғилиши**

# БАЁННОМАСИдан КЎЧИРМА

**Йиғилиш ўтказилган жойи, санаси ва вақти:** 07.07.2026 йил, соат 15:00, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С. Азимов кўчаси, 50-уй, “Semurg Insurance” АЖ биносида.

Акциядорларнинг йиллик такрорий умумий йиғилишини очиш учун Кузатув кенгаши раиси **Мирзамухамедов У.У.** сўзга чиқиб, иштирок этаётган акциядорларни қутлади ва йиғилишда иштирок этиш учун келган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш натижаларини эълон қилиш учун саноқ комиссияси номидан **Юсупов Х.Б.**га сўз берди.

**Саноқ комиссияси аъзоси Юсупов Х.Б. ахбороти:**

**Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларга тегишли умумий овозлар сони:** 9 000 000 та оддий эгасининг номи ёзилган акциялар.

**Умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорларга тегишли овозлар сони:** 4 100 000та оддий эгасининг номи ёзилган акция.

Саноқ комиссияси рўйхатдан ўтказиш якунланган пайтда навбатдаги йиллик умумий йиғилишда 1 нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари иштирок этаётганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 68-моддасига мувофиқ, такрорий умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади, кворум мавжуд – 45,55%, сабаби агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами **қирқ фоизидан** кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши **ваколатли бўлади**.

Мирзамухамедов У.У. акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди.

## ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

6. Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.

**Олтинчи масала** бўйича йиғилиш раиси Мирзамухамедов У.У. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 63-моддасига мувофиқ, жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига жами эгалик қилувчи акциядорлар ёки акциядор, агар жамият уставида кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, жамият молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, шунингдек Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ушбу органнинг миқдорий таркибидан ошмаган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақли эканини, бундан Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни кўрсатиш мустасно эканини маълум қилди.

Йиғилиш раиси Жамиятга акциядор Мирзамухамедов Улугбек Уткуровичдан Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун номзодлар кўрсатиш тўғрисида хат келиб тушганини маълум қилди.

Мазкур хатга мувофиқ, акциядор Мирзамухамедов Улугбек Уткурович томонидан қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

Уткуров Ойбек Отабекович – тадбиркор;

Содиков Самандар Саидахмадович – тадбиркор.

Шунингдек, акциядор Мирзамухамедов Улугбек Уткурович томонидан Кузатув кенгаши таркибига сайланиш учун ўз номзоди таклиф этилган.

Мирзамухамедов У.У. шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 76-моддасига мувофиқ, жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилишини қайд этди. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони сайланиши лозим бўлган мустақил ва бошқа Кузатув кенгаши аъзолари сонига алоҳида кўпайтирилади, бунда акциядор шу тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга бериши ёхуд икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин.

Муҳокамадан сўнг йиғилиш раиси Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласини кумулятив овоз беришга қўйишни таклиф этди.

**Кумулятив овоз бериш натижалари:**
**Мирзамухамедов Улугбек Уткурович – 4 100 000 овоз.**
**Уткуров Ойбек Отабекович – 4 100 000 овоз.**
**Содиков Самандар Саидахмадович – 4 100 000 овоз.**

**Қабул қилинган қарор:**

**6.1. "Semurg Insurance" АЖ Кузатув кенгаши аъзолари таркибига Мирзамухамедов Улугбек Уткурович, Уткуров Ойбек Отабекович ва Содиков Самандар Саидахмадович уч йил муддатга сайлансин.**

| Ф.И.Ш. | Ким томонидан берилган | Берилган сана | Серия ва рақами |
|---|---|---|---|
| Mirzamuxamedov Ulug'bek Utkurovich | IIV 26277 | 06.12.2022 | AD2128681 |
| Utkurov Oybek Otabekovich | Toshkent shahar Shayhantoxur tumani IIB | 30.06.2020 | AC2846970 |
| Sodiqov Samandar Saidaxmadovich | IIV 26000 | 14.03.2022 | AD1172385 |

**Бош директор** **Кадиров Р.К.**